



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 6-iyul • №27 (4166)

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ БУЮК БИР АСАР

фақат уни тушуниш керак

Июган Волфганг Гётенинг ажойиб ташбеҳи бор: «Табиат бу ҳар бир саҳифаси буюк мазмунга эга ягона асардир». Шундай бўлгач, унинг бирор саҳифасига пугур етса, бутун бир асар азият чекади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов билан суҳбатимиз экологик мувозанатнинг мана шундай нозик томонлари ҳақида.

— Сўнги йилларда хориждаги айрим матбуот нашрлари олимларнинг «оламни сув босармиш», «охирзамон яқин эмиш» қабилдаги баҳоратларига кўп ургу беряпти. Экология нуктаи назардан бу фикрлар қанчалик асосли?

— Мен олимларнинг «оламни сув босармиш», «охирзамон яқин» қабилдаги баҳоратлари, деган гапларга унчалик қўшилмайман. Чунки ҳар қандай олим фикрини бирор асос билан олға суради ва унда, албатта, мантиқ бўлади. Сиз тилга олган ибораларга келсак, бу фақат XXI асрнинг «вахимаси» эмас, аввал ҳам одамларни кўпгина ҳодисалар шундай қўрқитган ва бундан кейин ҳам бўлиши табиий.

Тўғри, дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида тошқинлар, ўрмон ёнғини, даҳшатли zilzilалар рўй беряпти, бундан кўз юмолмаймиз. Аслида буларни табиатга нисбатан тажовузларга жавоб, деб тушуном керак. Шунинг

Ватан учун яшайлик!

учун турфа ваҳималарга эмас, аниқ мисолларга таянайлик. Сайёрамизда биота, яъни тирик организмлар пайдо бўлганига икки миллиард йил бўлибди. Инсоният пайдо бўлгандан буён мана шу биотанинг қарийб 70 фоизини йўқ қилиб юборди ёки ҳалокат ёқасига олиб келди. Ер юзиде инсон томонидан ҳосил қилинган чиқинди миқдори эса табиий пай-

до бўладиган чиқиндилардан қарийб 2 минг баробар кўп.

БМТ маълумотларига кўра, сўнги 50 йилда сайёрамиз аҳолиси деярли уч баробар ошган, шундан ҳар олтинчи киши экологик номақбул ҳудудда яшайди. Ҳар ўнтинчи катта дарё бир неча ой ичида денгизга етиб бормайди. Масалан, Колорадо дарёси энди денгизга қуйилмаяпти. 1 миллиард аҳоли санитария меъёрларига тўғри келмайдиган ичимлик сувидан фойдаланади. Ҳар куни дунёда беш минг киши ифлосланган сувни ичиш тўғрисида оламдан кўз юммоқда. 2025 йилга бориб сув танқислигидан 2 млрд. аҳоли азият чекиш эҳтимоли бор. Бугун ҳайдалаётган ерларнинг 40 фоиздан ортиги яроқсиз ҳолга келган. Йилига Ер юзидан 13 миллион гектар майдондаги ўрмонзор йўқолиб кетади. 2050 йилга келиб, ҳайвонот турларининг 25 фоизи йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остида қолиши мумкин: ҳар тўрттадан битта сут эмизувчи, ҳар саккизтадан битта қуш, ҳар учтадан битта қуруқлик ва сувда яшовчи ҳайвон турлари. Биологик турлар табиий суръатлардан юз мартаба тезроқ тугаб битиш ҳавфи бор. Шу чоққача бир неча цивилизация табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида йўқолиб кетган.

Давоми иккинчи саҳифада.



Устоз ва шогирдлар. Моҳир наққош Сирожиддин Раҳматуллаевнинг ёғоч ўймакорлиги устaxonасида. Назира Боймуродова олган сурат.

ШАҲАР БОСҚИЧИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан «Ягонасан, муқаддас Ватан» қўшиқлар танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари аниқланди. Жами 35 нафар иштирокчи орасида нафақат ёшлар, балки элимиз ардоғидаги санъаткорлар ҳам бор.

Ҳакамлар ҳайъати олти нафар эстрада хонандасига танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма берди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зоя Цой ижросидаги «Азиз уйимиз — Ўзбекистон» (Зоя Цой ва Икром Искандар шёъри, Жамила Наимова муסיқаси), «Ниҳол» мукофоти совриндори Гулзода Худойназарова ижросидаги «Муқаддас ватан бўлди» (Замира Рўзиева шёъри, Баҳрулла Лутфуллаев муסיқаси), Муҳаббат Дошнова ижросидаги «Ватан фасллари» (Азим Суюн шёъри, Б.Лутфуллаев муסיқаси), Азиза Муҳамедова ижросидаги «Ўзбек халқим» (Пўлат Мўмин шёъри, Алишер Расулов муסיқаси), Мавлуда Турдиева ижросидаги «Ягона Ватан» (Ҳалима Аҳмедова шёъри, Нодир Броҳимов муסיқаси), Марҳаб Музаффарова ва Давронхўжа Сулаймонов ижросидаги «Она ватан — ягона» (Бобур Бобомурод шёъри, Аҳмад Хожиматов муסיқаси) қўшиқлари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дурдона ХИДИРОВА

Сўзини бироз иштибоҳли мулоҳаза билан бошламоқчиман. Алқисса, кун ботар юртларнинг бирида Жеймс отаги битиб кетган бир бойвачча ўз жонига қасд қилибди. Начора, дунёнинг жамик лаззатларидан тотиб, зерикиб қолган бўлса керак-да, бечора. Лекин ўлими олдидан бисотидаги мол-мулкни хонандидаги кўшпакка мерос қолдирганига нима дейсиз?! Мултимиллардернинг жарақ-жарақ ақчасидан умидвор бўлиб юрган маъшуқаси — Анжелика эса аввалига соч олиб, ўз тирнаб қолаверибди. Қараса, оҳ-воҳдан наф йўқ, унга биров ачинамайди, ҳеч ким кўмак ҳам бермайди. Бирор ақдан дугонасини, адвокатини, балки ўзининг хаёлига келгандир, ишқилиб бу хоним оламушумул бир нш қилибди. Яъни тўғи демократик қонун-қондаларга таяниб... шартта ўша кўшпақнинг никоҳига кириб олабди!

МЕҲР БОР ЖОЙДА...

Фарб матбуоти бу ҳақда роса бонг урди. Роса шов-шув кўтарилди. Не ажабики, бу аюханносларда антика ахлоки Жеймсу Анжеликаларни айблаш, маломат қилиш йўқ. Аксинча, инсон шундай эмин-эркин, ҳақ-ҳуқуқлардан, имкониятларидан худди шундай фойдаланиб яшайши керак, деган идада, тарғиб-ташвиқот бор! «Астағфурullo», деб ёқа ушлаймиз. Баъзи бировлар шунчаки кўл силтаб қўйди: «Бизга нима?»

Аммо туйкув эдимизга «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридаги куйидаги таъсирчан сатрлар тушади. «Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги жаракатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб ёки бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас».

Дарҳақиқат, шундай. Ҳозирги талотўп, глобаллашув жараёнида, ҳар хил мафкуравий-маънавий хуружлар даврида, «оммавий маданият» деган бало таҳдид қилиб турган бир дамда ҳақиқат шундай дамларда юз очилиш шубҳасиздир. Бирни кўриб фикр қил, дейди халқимиз. Бу шунчаки мақол эмас, балки катта йўлни босиб ўтган ҳикматдир. Ўша бугун тарғиб этилаётган Жеймсу Анжеликаларнинг турмуш тарзидаги

нотабиий ҳолатнинг ҳеч бириндан ғофил қолишга асло ҳаққимиз йўқ. Аксинча, бундан муносиб хулоса чиқармоғимиз лозим бўлади.

Авалло шундай савол туғилди: моддий жиҳатдан фаровон, тўқис ҳаёт кечираётган бойвачча одам нега ўз жонига қасд қилди? Нега молу дунёсини, айтиш мумкинки, бир итга қолдирди?

Зоҳиран олганда жавоб топилгандай: Жеймснинг на оиласи, на яқин қариндошлари бўлган. Ўша кўшпақдан ўзга кўнгил махрами, сирдош дўсти, таъсирчан сатрлар тушади.

«Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги жаракатлар шу қадар тигиз, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб ёки бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас».

Дарҳақиқат, шундай. Ҳозирги талотўп, глобаллашув жараёнида, ҳар хил мафкуравий-маънавий хуружлар даврида, «оммавий маданият» деган бало таҳдид қилиб турган бир дамда ҳақиқат шундай дамларда юз очилиш шубҳасиздир. Бирни кўриб фикр қил, дейди халқимиз. Бу шунчаки мақол эмас, балки катта йўлни босиб ўтган ҳикматдир. Ўша бугун тарғиб этилаётган Жеймсу Анжеликаларнинг турмуш тарзидаги

экан. Бир инсоннинг қисматидаги бундай ўпирилиш жамият маънавий қиёфасини очиб беришга қалит бўла олади. Инсон қалби меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, хайр-саховат каби маънавий неъматлардан озикланади. Модомики, шундай ҳаётбахш унсурлар етишмас экан, инсон руҳиятида бундан-да қалтис ўзгаришлар рўй беради. Киши ўзини ёлғиз ҳис қилган лаззатданок унинг қалбидаги юксак туйғуларга пугур ета бошлайди. Тириклик саодати ва жонли ҳаёт ўз рангини, маъно-мазмунини йўқотади. Инсон беадоқ ваҳима ва таҳлика гирдобда қолади охир-оқибат... ва ўз жонига қасд қилади. Инсон ирки, дини, жуғрофий танланувидан қатъиян ҳамиша инсондир. Яшаш, яшаганда ҳам яхши яшаш, ҳаётга қобил бўлиб умр кечириб инсоннинг яратган олдидаги олий бурчдир. Бурчи эса бажарадилар.

Давоми иккинчи саҳифада.

Чўлпон боғида

Анджон шаҳридаги Чўлпон номи билан аталадиган боғ адабиёт ихлосмандлари, талаба-ёшлар билан ҳамиша гавжум. Бу ерга ташриф бюрганлар шоир ҳайкалини зиёрат қилиб музейдаги тарихий қўлёзмалар, суратлар ва бошқа манбалар билан танишадилар. Ёш ижодкорлар мушоира ўтказадилар.

Кунни кеча богда бўлиб ўтган адабий анжуман Чўлпон таваллуди санасига бағишланди. Тадбирда шоир-ёзувчилар, адабиётшунослар, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди. Шоирлар Тўлан Низом, Олимжон Холдор, Хуршида Бону, Рустам Мусурмон, Жамолдин Муслим ва бошқа ижодкорлар Чўлпон асарларининг жозибаси, бетакор оҳанглари ва бой тили, ижодий меросининг ўрганилиши ҳақида фикр юритдилар.

Ёзувчилар уюшмаси, Анджон вилоят бўлими қошидаги «Бобур издошлари» ёш ижодкорлар тўғраги аъзолари Чўлпон шёърларини ўқидилар.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўламларига

Юртимизнинг ҳар бир фасли ўз таровати ва саховоти билан гўзал. Ёзининг тўқин боғлари, шовуллаган бугдойзорлар, серфайз далалар ижод аҳлини ҳам ҳалол меҳнат билан эл дастурхонига баракка қўшаётган юртдошлар хузурига чорлайди. Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими ҳамда Бекобод туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган адабий учрашувлар ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришларга бағишланди. Учрашувлар доирасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг ижодий кечаси бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, туман ҳокими Шодибек Ҳамроев, Ўзбекистон халқ шоирлари Маҳмуд Тоир, Тўлан Низом, профессор Қозоқбой Йўлдошев адабиёт ва ҳаёт уйғунлигига, бу борада ижодкорнинг тутган ўрни беқибё эканини таъкидладилар. Таниқли адибнинг янги асар тарихи, унинг майдонга келиш жараёнлари оид мулоҳазалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Учрашувда туманда фаолият юритаётган «Илҳом» ижодкорлар клуби аъзолари ҳам ўз ижод намуналари билан иштирок этишди. Наср ва шёърий байрамига туман санъаткорлари ўзларининг жозибали куй-қўшиқлари билан фанз киритди.

Рустам МУСУРМОН, Нурали ЖАЛИЛ

«Ўзбекистон», «Ёшлар», «Машъал» радиоканалларидан эфирга таралаётган оҳанрабо куй-қўшиқлар дилларни хушнуд этиб, шинавандаларга хузув бағишлайди. Яхши куй, қўшиқ тинглаганинда вужудинг ором олади. Кунни тунга, тунни тонга улаб элимизга сидқидилдан хизмат қилаётган радио ходимларига ҳар қанча

Куй авжида узиламасин тор...

ташақкур айтса арзийди. Лекин гоҳида бирор ашула ё куйни мазза қилиб тинглаётганингизда, у охирига етмасдан тўсатдан реклама бериб қолинса, қандай ҳолга тушасиз?

Куюнчак газетхонадан мактуб

Яқинда «Ёшлар» радиоканалидан марҳум хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиевнинг «Сени кўрмасам бўлмас» ашуласи эшиттирилаётганда айнан шундай бўлди.

Радио тўқинларидан мумтоз муסיқа намуналарининг бериб борилаётгани ҳам қувонарли ҳол. Негаки, ашула, мақом каби юксак санъат намуналари тингловчининг дидини ўстириб, маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади. Бирок устоз

хофизларнинг бир ашуласи охирига етмай, иккинчиси бошлаб юборилиши ҳам фикримизча у қадар тўғри эмас. Атоқли шоиримиз ёзганидек «Куй авжида торнинг узиламасин» яхши... Яна бир фикр: бирор хонанданинг отаси, онаси ёки яқин қариндоши қаза қилган куннинг ўзида ё эртаси кунни радио тўқинларидан

ўша хофиз хонини қилиб турган бўлса, қандай ҳолга тушасиз? Масалан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райхон Ғаниеванинг волидаи муҳтарамаси, таниқли киноартист Тамара Шокирова вафот этган куннинг эртасигаёқ хонанданинг «Бака-бака-банг, дор ўйинг» қўшиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жамшид Зокиров қаза қилганга ун қун ҳам бўлмай марҳумнинг отаси Карим Зокиров ижро этган «Қошлари қаламлар» ашуласи радиодан эшиттирилганига нима дейсиз?! Булар майдан-қуйда гаплар эмас. Шундай эмасми?

Жаҳонгир ПИРМУХАМЕДОВ

ФЕСТИВАЛ ЁҒДУЛАРИ



«Мешполвон» спектаклидан кўриниш.

Бу йилги фестивал давомида турли жанрлардаги, кенг қамровли мавзуларни кўтариб чиққан, хилма-хил гоғларни акс эттирган спектакллар томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди. Уларнинг аксарияти томошабинлар ва соҳа мутахассислари томонидан яхши кутиб олинди.

Кўрик давомида намойиш қилинган 14 та спектаклдан тўрттаси саҳнада замон қаҳрамонини акс эттиришга бағишланган. Шулардан иккитаси — «Ширин найранг» ва «Жоним баҳшида» асарлари мустақиллик даврида яратилган

«Дебют-2012» кўрик-фестивали чинакам санъат байрамига айланди. Бир неча йилдан буён мунтазам ўтказилиб келинаётган бундай кўрик-фестивалларнинг фаолият кўрсатаётган театр жамоаларининг аҳволи-руҳиятини бор бўйи билан кўрсатишга хизмат қилмоқда. Мустақиллик даври, айниқса, сўнги ўн йиллик давомида театр санъати фестивалларининг сони ва сифати тобора ўсиб бормоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисидаги» Фармонидан келиб чиққан ҳолда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси театр санъатининг ёш ижодкорлари дебюти тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

бўлиб, «Ойдинда юрган одамлар» ва «Тақдир эшиги» асарлари бундан бир неча йиллар аввал саҳнавий ифодасини топиб улгурган асарлардир.

Фестивалнинг очилишида қўйилган Олим Ҳўжаев номидаги Сирдарё вилоят муסיқали драма театрининг «Ойдинда юрган одамлар» спектакли (режиссёр Нигора Исмоилова) тирноққа зор инсонларнинг изтироби, сабр-тоқати, матонати, бахт ва бахтсизлик тушуначалари ҳақида ҳикоя қилади.

Давоми бешинчи саҳифада.

Оила — эл-юрт таянчи

Бошланиш биринчи саҳифада.

Хамид Олимжон номидаги Самарканд вилоят мусиқали театрида сахналаштирилган "Тадбир эшиги" спектаклининг фестивал дастуридаги муваффақиятли асарлар сирасига кириши мумкин.

Бир неча талқинларга эга ушбу асарни ёш режиссёр Шухрат Санокўлов ўзгача йўналишда тақдим этди. Режиссёрнинг ютуғини таъминлаган асосий омиллардан бири драматургик материалнинг пухталигидир. Шу

Шухрат Иброҳимовнинг "Оппогой ва унинг митти дўстлари", Гафур Мардоновнинг "Мешполвон", Анвар Абдуллаевнинг "Ҳайвонлар", Обид Абдураҳмоновнинг "Зада бўлган авлиё" каби спектакллари режиссёрлик топилмалари, бадий ечим, самимилиги, мусиқий ва рассомлик безакларнинг ёркинлиги билан кичик томошабинлар қалбига осон кириб боришига ишонамиз.

Шу ўринда айтиш керакки, баъзи спектаклларида декорацияларига жиддий эътибор қаратилмагани, мусиқий безакларнинг фарбилиги, сахнани

талқинида", филология фанлари номзоди Шухрат Ризаев "Ешлар драматургияси", санъатшунослик фанлари доктори Мухаббат Тўлахўжаева "Режиссура санъатининг замонавий тенденциялари", Ўзбекистон санъат арбоби Наби Абдураҳмонов "Ёш режиссёрларнинг шаклланишида устоз ва шогирдлик аъёнлари" мавзусидаги маърузаларида фестивал дастурига киритилган спектакллар мисолида театр санъатининг бугунги кундаги долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари, шунингдек, ютуқлар, эътиборга лойиқ жиҳатлар, режиссура санъатининг эртанги кунини, истиқболи ҳақида чуқур ва таҳлилий фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Тадбир якунида голиблар аниқланди. Биринчи ўрин Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Аскар Холмўминовга ("Искандар" спектакли талқини учун) топширилди. Иккинчи ўрин "Ойдинда юрган одамлар" спектакли режиссёри Нигора Исмоилова ва "Майсаранинг иши" спектакли режиссёри Абдор Ортоқовлар бўлишди. Учинчи ўрин эса "Зада бўлган авлиё" спектакли режиссёри Обид Абдураҳмоновга насиб этди. Шунингдек, бир қанча ижодкорларга турли номдаги совринлар топширилди.

ФЕСТИВАЛ ЁҒДУЛАРИ

нингдек, режиссёрнинг рассом Баҳром Сафоев билан ҳамкорлиги натижасида топилган бир эшикнинг бир йўла тўртта хона эшигига айлиши актёрларнинг сахнада янада эркин ҳаракат қилишларига имкон яратган. Спектаклда актёрларнинг уйғун ҳаракат қилиши, қаҳрамон ҳаёти билан яшай билиши ҳам режиссёр ютуғи сифатида эътироф этилиши лозим.

Бироқ шу театрнинг "Ширин найранг", Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар театрининг "Жоним бахшида" спектакллари ҳақида бундай дейиш қийин. Таъкидлаш лозим, асарларнинг инсонларнинг ўз яқинлигига эътиборсизлиги, меҳр-оқибатнинг танқислиги масаласи ёш режиссёрлар томонидан ўзига хос тарзда талқин қилинган. Аммо улар ўзларининг илк ишларига драматургик жиҳатдан бўш, анчайин саёз, бадийликдан йироқ пиесаларни эмас, бадий баркамол асарларни танлай билишлари зарур эди. Чунки, ҳали етилмаган асарларни маромига етказишга, ижодий лабораторияни шакллантиришга уларнинг тажрибаси етмаган. Бу спектакллар мисолида вилоят театрларида маҳаллий шевага ортиқча ургу берилган ҳам кўзга ташланиб қолди.

Режиссёр Обиджон Абдуллаевнинг Қўқон шаҳар мусиқали театри жамоаси билан сахнага олиб чиққан Нил Саймоннинг машҳур "97-хона" асари тадбирлаштирилгани сабаб, сахнада бугунги кун ўзбек аёли сиймосини кўрсатишга интилишни кузатамиз. Лекин шу ўринда бугунги кунда тадбир керакми, деган савол туғилади. Спектаклнинг томошабиллиги, актёрлар ижросидаги ютуқларни инкор этмаган ҳолда, айтиш керакки, асарда ёш нимадир етишмаётгандек, ёки нимадир ортда қолгандай туюлади. Бунинг сабаби, спектаклда ҳар бир миллигига хос турмуш тарзи, менталитет ва бошқа миллатларникидан ажралиб турувчи қадриятлар етишмади.

Фестивалнинг мавзу кўламини кенгайтириб бораётгани "Искандар" (режиссёр А.Холмўминов, Санъат институти), "Майсаранинг иши" (режиссёр А.Ортоқов Бухоро театри) каби мумтоз асарлар талқинида ҳам намён бўлди. Ҳар икки спектаклнинг маҳорат билан талқин қилингани, бадий жиҳатдан яхлит томошага айланганлиги мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Кўрик давомида ёш томошабинларга мўлжалланган асарларнинг ҳам намойиш этилгани қувончли ҳол.

ёритишдаги камчиликлар ёш режиссёрлар ижодий ғуруҳ билан етарли ҳамкорлик олиб бормаганидан далолат беради. Режиссёрдан нафақат актёрлар билан ишлаш, балки барча ижодий ва техник ҳодимларни бирлаштири олиш маҳорати ҳам талаб қилинади.

Эътиборли жиҳати шундаки, етук педагог кадрларнинг ёш ижодкорларни тарбиялашдаги ўрни нақадар беқиёс экани кўрик мисолида яна бир бор тасдиғини топди. Ёш дебютантларга маҳорат сирларини ўргатган



«Бехато отилган ўқ» спектаклидан кўриниш.

Ўзбекистон халқ артисти, маҳоратли педагог Шухрат Аббосов, Ўзбекистон санъат арбоби Наби Абдураҳмонов каби устоз санъаткорларнинг ёш ижодкорларнинг шаклланишига қўшган ҳиссалари беқиёс.

Албатта, фестивал спектакллари-нинг ҳар бирида ютуқлар, эътиборни тортган жиҳатлар талайгина. Дебют ўз номи билан дебют. Бу майдонга чиқишнинг ўзи мардлик. Шу нуқтаи назардан кўрик-фестивалдан кутилган натижаларга эришилди. Келажакда бунинг самараларини кўришига ишонамиз. Энг асосийси, тадбир ўз дунёқараши, йўналиши, талқин услубига эга янги ўн тўрт номни кашф этди.

Кўрик-фестивал якунида "Режиссура санъатининг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда бугунги кун режиссура санъатида юз бераётган жараёнлар атрофида таҳлил этилди. Жумладан, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев "Мумтоз адабиёт ёшлар

Бундай фестиваллар ёшларнинг фақатгина ўз имкониятларини намойиш қилишигина эмас, бошқа қатнашчиларнинг ижод маҳсулларини кўриш, касбдошлари билан мулоқот қилиш ва ўзаро фикрлашиш имконини ҳам беради. Шундай анжуманлар театр ҳаётини жонлантиради ва ижодий жараённи шакллантиради, театрлар фаолиятидаги энг эътиборли жиҳатларни юзага чиқаради.


"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бундай тадбирлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида навбатда драматурглар, театр бастакорлари, сахна рассомларининг ҳам илк ишлари дебютини тақдим этиш режаларини ишлаб чиққан. Биз ёшларимиз бундай эътиборнинг қадрига етиб, берилган имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланишларини истардик. Дебютантларга эса оқ йўл тилаб қоламиз.

Муқаддас АХМАДЖОНОВА,
санъатшунослик фанлари номзоди

"АРЖУМАНД"

Ижодкор қалбини унинг асарлари орқали англаймиз. Бироқ санъаткор қарнишида чин суҳбатдош, тингловчи бўлиш ҳам унинг яқин оламини намён этади. Айниқса, суҳбатлар муаллифининг маҳорати билан қўроғга қўчса, бундай "мажлис" лар янада жонланиб кетади.

Ирода Абдулвазизнинг "Аржуманд" ("Шарк", 2012 йил) номли илк китобида машҳорлар ҳофизлар, соҳнада навозандалар, мусаввир нуктадорларнинг хос олами билан танишамиз. Бу китобда Юнус Ражабий, Таваккал Қодиров, Усмон Зуфаров, Ўлмас Расулов, Матлуба Дадабоева, Нуриддин Хамроқулов, Абдуҳомид Исмоилов, Жавлон Умарбеков каби маълум машҳур номларни учратамиз.



Китобнинг саҳифалари

Китобни саҳифалай туриб, машҳур созанда Турғун Алиматов ҳақида Абдулахад Абдурашидовнинг хотираларини ўқиганда тундир: "Наврўз байрами нишонланаяпти. Шундоқ кирсам (радио уйига) Турғун Алиматов ўтирган эканлар. Ҳар бир санъаткорнинг тан берган санъаткори бўлади. Менинг тан берган санъаткорим сизсиз... Билим юртида эшитиб йўғлай-верардим, консерваторияда ҳам, ҳозир ҳам куйларингизни йўғлаб эшитаман, уста" дедим. Турғун ака секин бош силкиб килрик қоқиб қўйдилар. Бир маҳал менга навбат бериб қолди. Сахнага юрдим. Сел бўлиб қалдим ўзим... Ижрону тугатиб, секин жойимга қайтсам устанин кўзларида ёш. "Олдин биз сизни йўғлатувдик, энди сиз биз-

ни йўғлатдингиз...", десалар бўладими! "Дод" деворай дедим! Турғун ака бундай гапни ҳали ҳеч қимга айтмаган, ноҳот шу эътирофга мен лойиқ топилган бўлсам-а? Бахти инсон эканман". Бу моҳир созанданин чин иқроори эди.

Энди мусаввир Жамол Усмоновнинг ижод завоқига доир юксак талабини эшитинг: "...тезда фалончининг портретини чизиб беринг, дейишса, мен чиза олмаيمان. Чунки "дарров" да образнинг руҳий ҳолатини кўрсатиб бериш қийин. У қурак суратдан иборат бўлиб қолади". Рост-да... санъат асари ҳар доим ҳам буй кўрсатавермайди. Ижодкорнинг махсус кайфияти, махсус ҳолатини кутади.

Муаллиф китобида ҳар бир суҳбатдошига тавсиф беракани, унинг қандай санъаткор эканини куйидагича талқин этади: "У хониш бошлаганда не-не номдор санъаткорлар со-

Фото санъати олам гўзалликларини аниқ тасвирлаш билан ажралиб туради. Сураткаш нигоҳи илган кенгликлар, табиат манзаралари бу санъатга хос асосий хусусиятидир.

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилган «Объектив кенгликлар» номли фотокўргазмада сураткашларнинг энг сара асарлари намойиш этилди. Унда Ленур Аметов, Михаил Головачев, Абдуғани Жумаев, Станислав Канаки, Владимир Соколов каби моҳир сураткашларнинг фалсафий, бадий композицияга йўғрилган асар-



Баҳодир ШЕРНАЗАРОВ

лари ўрин олган.

"Баланддаги дарахт" фото асарида муаллиф дарахтнинг юксаклиқда турганини тасвирлаш учун пастдаги тепаликни биринчи ўринга олиб чиққан. "Алпинист изидан" туркум асарларида муаллиф тоғга тирмашаётган алпинистларни тасвирлар экан, суратни томоша қилиб баҳайбат қояни забт этишга жаҳд қилган алпинистлар жасоратини ҳис этамиз. Сураткаш ҳам ана шу қояга чиқиб уларни турли узоқликда, кенгликда тасвирга муҳраган.

"Иньикос" туркум асарлари оққора тарзда суратга олинган бўлса-да, мавзу ва шакл уйғунлиги кўзга ташланади. Муаллиф узун поезд йўлига қарама-қарши томондан қўлида кўзгү түтиб турган қизни суратга олган. Натижада, «ҳақиқий поезд йўли», «кўзгудаги поезд йўли» тасвири ва уларни суратга олган сураткаш объективи ажойиб уйғунлик касб этади.

— Кўргазмага қўйилган ҳар бир фото асарни эркин мавзу бўйича танладик, — дейди сураткаш А.Жумаев. — Шунинг учун ҳар бир муаллифини ўз услуби, маҳорати, йўналиши сезилиб туради. Фотокўргазмадан ранглар уйғунлигига, тасвирий ечимга эга бетакрор асарлар ўрин олган. Ҳар бир томошабин суратлардан ўзига тегишли хулоса чиқаради. Шунинг учун ҳам бундай кўргазмаларнинг ахамияти катта.

Баҳодир ШЕРНАЗАРОВ

МОҲИР ДИРИЖЁР ВА КОМПОЗИТОР

Ўзбекистон халқ артисти, Бастакорлар уюшмаси аъзоси, моҳир хормейстер-дирижёр ва композитор Ботир Умиджонов ўзбек хор санъати тарихидега улкан ҳисса қўшган санъаткордир. У бутун умри давомида кўплаб халқларнинг, шу жумладан, Марказий Осиё халқлари мусиқаси намуналарини юксак маҳорат билан хор ижрочилиги учун қайта ишлашга муваффақ бўлди.

Маълумки, хонандликда жўрсиз куйлаш манбалари халқ ижодиёти илдизлариға бориб тақалади. Б.Умиджонов бу манбаларга ижодкорона ёндашиб, уларни давр талабларидан келиб чиққан ҳолда талқин этишга эришган эди. 1955 йили Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факултетига ўқишга кирган Б.Умиджоновнинг истеъдоди ва ижодий муваффақиятларини кўрган хор капелласи раҳбари С.И.Валенков уни жамоага хормейстер вазифасига тайинлайди ва шу йилдан унинг дирижёр(хормейстер)лик фаолияти бошланади. Бундай ишончдан завқланган ёш ижодкор халқ кўшиқларидан бирини жўрсиз хор учун мослаштиришга уриниб кўради. Натижа кутилгандан ҳам аъло бўлди, бу асар ўзи ишлаб турган жамоанинг дастуридан жой олди. Бу борадаги фаолиятини самарали давом эттиришда унга таниқли композитор Мутал Бурхонов устозлик қилиб, йўл-йўриқ кўрсатди. 1960 йили Ўзбекистон радиозашиттириш ва телекўрсатувлар давлат кўмитаси раҳбарияти шу йили консерваторияни тугаллаган ва айни чоғда филармонияда ишлаб касбий малака ҳосил қилган ёш мутахассисга хор жамоаси тузишни ҳамда унга раҳбарлик қилишни тақлиф қилди.



Уша йиллари кўповозли хор мусиқаси мамлакатимизда эндигина шаклланиётган санъат турларидан бири бўлиб, миллий кадрлар орасидан етишиб чиққан мутахассислар озчилигини ташкил этарди. Шуларни инобатга олган Б.Умиджонов хор жамоасини бадий ҳаваскорликдан чиққан, лекин халқ мусиқа меросини амалий ўзлаштирган ва уни яхши ижро эта биладиган кадрлар ҳисобига тузди, жамоа олдиға миллий мусиқа ва Ўзбекистон бастакорларнинг асарларини кўповозли қирралар билан бойитган тарзда ижро этишни бош мақсад қилиб қўйди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Б.Умиджонов нафақат жамоа раҳбари, балки жамоа аъзоларининг мусиқий саводини чиқарувчи ўқитувчи, шунингдек ўзбек халқ мусиқаси бисотидан "Қора соч", "Илила ёр", "Ёр нималар девдим сизга" каби асарларни янги ижроға мослаган биринчи композитор ҳам эди. Ижодкор халқ мусиқа меросини сайқаллаштириш жараёнида ўтмиш билан замонавийликни уйғунлаштира олди.

Мазкур хор жамоаси мамлакат маданий ҳаётида муҳим рол ўйнади, десак муболага бўлмайди. Кўповозли асарларини ҳам моҳирона ижро талқинларида кенг оммаға тақдим этгани бунинг яққол далилидир. 1972 йили Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган "Осиё минбари" мусиқашунослар халқаро симпозиумида композитор Мутал Бурхонов хор учун мослаштирган эрон халқ кўшиқларидан "Гуле гандум" ва "Дамкўл-дамкўл" асарини ижро этди. Ушбу асар ижросидан тўлқинланиб сахнага чиққан эронлик мусиқашунос олим Меҳди Барқашли: "Мен халқимнинг бу кўшиқларини ўз ватанимда ҳам бундай жозибали ижросини эшитмагман", — дея жамоаға қуллук бажо келтирди.

Б.Умиджонов раҳбарлик қилган жамоа нафақат малакали хор артистларини, балки бир қатор дирижёр-хормейстерларни ҳам тарбиялашға муваффақ бўлди. "Булбулча" болалар хорининг бадий раҳбари ва бош дирижёри, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ерматов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Баҳрулла Лугфуллаев, Қирғизистон санъат арбоби Омонтелди Керимов, Ўзбекистон давлат хор капелласининг собиқ бадий раҳбари ва бош дирижёри,

марҳум Аҳад Ҳамидов ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўтган йиллар давомида санъаткор турли халқ кўшиқларидан 300 дан ортиғини хор жамоаси ижросига мослаштириб, қайта ишлади. Бу кўшиқлар профессионал ҳамда ҳаваскор хор жамоалари репертуридан, таълим муассасаларининг ўқув дастурларидан муносиб ўрин эгаллаган.

Мустақилликка эришилгандан бўён эса бирорта оммавий байрам тадбири бу жамоа иштирокисиз ўтмайди, десак муболага бўлмайди. Б.Умиджонов ушбу жамоада 33 йил давомида узлуксиз бадий раҳбар ва бош дирижёр сифатида фаолият кўрсатиб, кейин нафақатга чикди. Шу вақтда Муқимий номидаги мусиқали театр раҳбарияти уни бош хормейстерлик вазифасига тақлиф этди. Ботир ака қисқа муддат ичида театр хор жамоасининг ижодини фаоллаштиришға муваффақ бўлди. Ҳозир Муқимий номидаги театрда унинг шогирдларидан бири Олимжон Комилжонов бош хормейстерлик вазифасини бажариб келмоқда.

Б.Умиджонов катта истеъдод соҳиби эди. У композиторлик мутахассислигидан дипломға эга бўлмаса ҳам амалий тажрибаси йилдан-йилға ортиб бориб, мусиқанин турли жанр ва шаклларида самарали ижод қилди, миллий оҳанглар неғизда кўплаб мусиқий асарлар яратди.

Устоз фақат хор учун асарлар басталаш билан чегараланмасдан, кўплаб кўшиқ ва романслар ижросидан тўлқинланиб сахнаға чиққан эронлик мусиқашунос олим Меҳди Барқашли: "Мен халқимнинг бу кўшиқларини ўз ватанимда ҳам бундай жозибали ижросини эшитмагман", — дея жамоаға қуллук бажо келтирди.

Б.Умиджонов ташкил этган хор жамоаси бугунги кунда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси" тасаруфида фаолиятини давом эттириб, мамлакатимиз маданий ҳаётида ўз мавқеига эга бўлиб келмоқда.

Жўра ШУКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Ёнама

ГўЗАЛЛИК КўРГАЗМАСИ

Ёшлар ижод саройида "Beauty Expo Uzbekistan 2012" халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Эстетик тиббиёт соҳасидаги етакчи технологиялар ва замонавий усуллар билан қуролланган бугунги косметологияни "гўзаллик саноати" сифатида баҳолаш ҳам урф бўлмоқда. Кўргазмада шу соҳада ютуқлар намойиш қилиниб, ўзаро тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратилди. Жаҳоннинг ўн олти мамлакатидан келган элликта компания ва маҳаллий компаниялар ўз маҳсулотларини турли йўналишлар бўйича тақдим этишди. Тадбир доирасида гўзаллик саноати мутахассислари учун маҳорат дарслари, косметология ва эстетик тиббиёт бўйича тақдиротлар ўтказилди. Ўзбекистон сартарошлар уюшмасининг сартарошлик санъати, безакли косметика ҳамда тирноқ дизайни бўйича семинарлари ҳамда соч турмакларини шуоси бўлиб ўтди.

Хилола АБДУРАҲМОНОВА

ТҮЙГУЛАР АКСИ

Рассом Шамсиддин Алиқулов Қаршидаги санъат коллежида талабаларға сабоқ бериш билан бирға, ўзининг тасвирий санъатга доир кўплаб асарлари билан халқаро ва мамлакатимизда ўтказиладиган нуфузли кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келмоқда.

Тошкент Фотосуратлар уйида Ш.Алиқуловнинг навбатдаги "Изириб акси" деб номланган кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг олтидан ортиқ асарлари ўрин олган. Мусаввирнинг асарларида миллий урф-одатлар ва ўзбек халқ фольклори ўз аксини топган. Рассом асарлари фалсафий йўналиши билан ажралиб туради. Муаллиф қалбида чуқур из қолдирган кечинмаларни тасвирларда муҳрашға ҳаракат қилади. Бу жиҳатлар унинг сюжетли композициясига ҳам хосдир. "Уч таянч", "Эгизаклар", "Умид куши" каби асарлардаги ранглар ёркинлиги ва драматизм томошабинларға манзур бўлмоқда. Кўргазмадан, шунингдек, мусаввирнинг "Ван Гог ва мен", "Устоз", "Она", автопортрет ва замондошлар портретлари ҳам ўрин олган.

Хуррият АБДУЛЛАЕВА

Фотосуратлар уйида фотография ижодий мактаб-студияси битирувчиларининг кўргазмаси очилди. Экспозициядан йағирма икки нафар иштирокчининг икки юзға яқин фотосуратлари ўрин олган. Битирувчилар портрет, манзара, натюрморт, репортаж ва бошқа жанрларда қуларини синаб кўришди. Аксарият муаллифлар учун ушбу кўргазма ўзига хос дебютдир. Экспозиция доирасида Тошкент Архитектура ва қурилиш институти биринчи курс талабалари Нигина Аҳмедова ва Татьяна Володинанин "Эркин парвоз" деб номланган инсталляцияси ҳам намойиш этилди. Кўргазмага қўйилган ҳар бир асар услуби ва мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги билан ажаралиб туради.

Содиқ АБДУЛЛАЕВ

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндalarини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орау-интилашларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма бир йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуг, энг азиз» аънавий танловига таклиф этади.

Танловга «**Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!**» деган эзгу гоёни ўзидан мужассас этган ижодий ишлар қабул қилинади. Такдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, кишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, ҳар бир юрtdошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намойиш этиши учун янгидан-янг ижтимоийлар яратилаётгани кенг ёритилган бўлиши керак.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номнациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари.

Директор мени хонага бошлаб кириб, иш столимга ўтказди ва лавозимим билан табриклаб, бўлимининг икки ходими билан таништирди. Унинг айтишича, бу корхонага қанчадан-қанча директор, бўлим бошлиқлари, қоровуллар келиб кетишган-у, лекин бу ходимлар ўзгаришлар экан. Улардан бири ўн етти йил, иккинчиси ўн бир йилдан бери шу ерда ишларкан. Бу оз вақт эмас, дедим яхши мутахассислар бўлиши керак.

— Қалай, директоримиз сизга ёқадими? — бошлиқ хонадан чиқиб кетиши билан сўради ўн етти йилдан бери шу ерда ишлайдиган ходим. — Янги кишининг кўзи билан айтилган фикр тўғриси бўлади. Нима дейсиз? Кутилмаган саволдан ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Бир кўрган одам ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Лекин саволни бежавоб қолдириб бўлмайди.

— Бошлиқлар ҳақида гапиришни ёқтираман, — дедим бир зум ўйланган ва тогдан жавобимдан энгил тортидим. — Тўғри айтасиз, — деди ўн бир йилдан бери ишлайдиган ходим сўзимни бўлиб. — Аввалги мудиримиз, қачон кўрманг, директорни ёмонлаб юрарди. Сир бермай тўғри қилган эканман. Йўқса улар мени ким деб ўйлашлари мумкин эди.

Кўп ўтмай телефон жиринглади. Гўшаки кўтардим. Директор экан. Бўлимдаги ходимлардан бирини хузурига юборишимни сўради. Ўн етти йилдан бери ишлайдиган тажрибали ходимни юбордим. — Кўрдингизми уни? — деди иккинчи ходим ҳамқасби хонадан чиқиб кетиши билан. — У директорнинг еллатаги. Ҳаш-паш демай иккалаимизни эшакка тескари миндириб қайтди.

Довдираб қолдим. Аҳвол шундай давом этаверса, мени директорга бир кунмас бир кун ёмон кўрсатиб қўяди-ку. Бир пайт у директор хузуридан қайтиб келиб, шеригини имлаб: — Сен ҳам борар экансан, — деди ва ўзи хонага кирди. Шериги «айтамадимми» дегандай менга кўз қирини ташлаб

Шунингдек, танловга такдим этилган материаллар ўтган давр мобайлида халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустақкам иродаси, қатъият ва матонатини ҳамда юксак инсоний фазилатларини намойиш этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити тобора мустақкамлашиб бораётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва аънаваларимизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, Ватан тақдирини ва истиқболига дахлдорлик туғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Мустақкам оила йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

Даққат, танлов!

Танловга такдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма бир йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси
«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61;
244-64-61; 244-27-79.

Ҳажвий ҳақоятлар

кичиб кетди. — Ановини кўрдингизми? — деди ўн етти йиллик ходим шериги эшикдан чиқиб улгурмасидан. — Унга ўргата-ўрагата ўзимда қолмади. Ўн бир йилдан бери оғирнинг устида, енгилнинг остидан юриб келяпти. Коринни ёрсангиз алиф қармайди, ғирт саводсиз. Шунга қарамай учига чиққан аразғўй. Бир оғиз танбех бериб кўринг, тўксон эшикка таниш қилади. Бир сўздан қайтмайди. Худди кийимга томган ёғ дейсиз!

Унинг гапларини эшитиб, тепа сочим тикка бўлди. Бирди директорга елпатаклик қилиб, чақимчилик билан шугулланса, иккинчиси саводсиз, яна аразғўй. Бу ерда ишлаб нима обрў топиш мумкин? Миям гувиллаб, ташқарига чиқдим. Қаёқдан ҳам бу ерга келдим, ким ўзи мени бу балага йўлиқтирди?

Ана шу ҳаёллар билан коридорда гангиб турган эдим, ялтироқ қўйлақ кийган аёл қаршимга келиб, дабдбурустдан сўради: — Янги бўлим бошлиғи сизми? — Ҳа... — Э, аттанг, жуда қаттиқ адашибсиз, — деди у бош чайқаб. — Бу директор билан бола-чақаси қандай чиқишиб яшашига ҳамма ҳайрон. Энди сиз билан... ким билди...

Бу гап мени баттар довдиратиб қўйди. Қаршимдаги хонада телефон жиринглади. Эшик очик, хонада ҳеч ким йўқ. Бориб гўшаки кўтардим. Лекин телефон қўшни хона билан параллел экан, кимдир мендан бурун «да» деди. — Қалай, янги бўлим мудир, зўрми? — деди гўшақдаги овоз. — Жангитовни сўраяпсизми? — деди иккинчи томондаги овоз. — Э қаёқда! Яхши бўлса терак бир жойда кўқарарди... Бизга қачон яхши бошлиқ келувди. Буниси ўта кетган писмиқ экан. Унинг на яхши кўришини, на ёмон кўришини билиб бўлади...

Мен қолган гапни тингламасдан гўшаки жойига қўйдим. Сабаби, ўша «Жангитов» ҳам, «писмиқ» ҳам мен эдим.


Иш гоҳ энгил, гоҳ оғир бўлади. Шунинг учун гоҳида соғлиққа ҳам қараб олиш керак, деган ҳаёлда дўхтирга кўриндим. «Асабингиз чарчабди, йиғирма кунча унга дам бериб олинг», деди. Дўхтир айтгандан кейин жон борми? Шифохонага ётиб олдим. У ерда фақат асабини эмас, бошқа даволарни ҳам олишга тўғри келди. Шифокорларнинг айтишича, камина семиришининг иккинчи босқичидан ўтиб бораётган эканман. Қаёққа қараб, ким билсин? Бунга ҳеч қандай дори буюришмади. Фақат ҳафтанинг биринчи кунни бир ярим литр қатқ ичишим, жума кунни бир ярим килограмм олма ейишим керак экан. Уша кунлари бошқа таомлардан қатагон қилиндим.

Йиғирма икки кун деганда касалхонадан чиқдим. Даволанишим бекорга кетмаган, шекилли, камарим икки тешик берироққа сурилди. Ҳолатим яхши, оёқ олишим енгиллашган. Кайфият соз. Тезроқ болаларимнинг олдига етай, деб шошилиб боряпман. Кутилмаганда қаршимдан ўзимизда ишлайдиган Аҳмад чиқиб қолди.

— Сеннимсан?! — деди у саломлашишга қўлини ҳам узатмасдан, менга янгли тикилиб. — Ростдан ўзимизнинг Раҳматимсан? Сени танисам ҳар нарса бўлади! Мазанг бўлмадими? У оғиз очиргани кўймасдан ҳовлиқиб гапиряпти. — Сени тумов-пумов бўлгансан, деб кўргани бормовдик. Кечирасан энди... — Э, кечирасан деганинг нимаси? Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, дейди, манов туркингга бир қара! Касал жондан ўтсагина одам шунақа озиб кетади! Этинг бориб сўякка ёпишибди-ю, ҳеч нарса бўлгани йўқ дейсан! Қандоқ лўмбиланган савлатинг бор эди! Энди сапсим бўшаган қопга ўхшаб қолсан!.. Аҳмаддан бир амаллаб кутулдим. Оёқ олишим еп-енгил эди, зилда оғирлашиб, қадимни аранг босиб борар эканман, «Дўхтирлар мени алдашдимми?» деб ўйланаман. Автобус бека-тига судралиб етиб борганимда бир «Матиз» ёнимга келиб «шип» этиб тўхтади. Ҳамқасбим Фозил экан. Ёнига чиқиб ўтириб олдим. — Мазанг бўлмадими? — деди уям саломимга алиқ олмасдан. — Бетларинг халта-халта бўп осилиб қопти.

— Озроқ асаб чарчаган экан, шунга жиндай даволандим... — Дўхтирларнинг топган гапи шу-да, — деди у машина тезлигини оширар экан йўлдан кўзини узмасдан. — Улар беморларнинг нимага чалинганини айтиб кўнглини чўктирмайди, деб қасам ичишган-да! Эртага жўнашиб кетадиган беморгам «Отдай бўп, тузалиб кетасан!» деб қулоғига лағмон осилади.



Профессор Зокиржон Ориповнинг «Миср маданиятининг уч юлдузи» номли рисоласи миср ашулчилиги, шеърини ва мусика оламининг уч улкан вакили — «Шарқ юлдузи» номи билан танилган хонанда Умуму Кулсум, «Ашулчилик амири» деб ном чиқарган шоир Аҳмад Ромий, мактаб яратган созанда ва бастакор Риёд Санботий ижоди ва

ижодий ҳамкорликлари ҳақида. Араб ашулчилик санъатини олий мақомга кўтар

«МИСР МАДАНИЯТИНИНГ УЧ ЮЛДУЗИ»

ганлардан бири Умуму Кулсум шоир Аҳмад Ромийнинг икки юзга яқин шеърини қўшиқ қилиб ижро этган эди. Мазкур икки санъаткор ижодини юзгага чиқарган шахс — бастакор Риёд Санботий. У Умуму Кулсумнинг ижро санъатини, Аҳмад Ромийнинг шеърятдаги маҳоратини қуйлари

Доимий ҳамроҳ

да уйғунлаштириб, кўқларга кўтарган бастакор эди. Рисолада таъкидланишича, «ашулчиликда Умуму Кулсум, Аҳмад Ромий ва Риёд Санботий бирлиги ўрни боса оладиганлар ҳали келгани йўқ».

Рисолага муқаддима ёзган Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси маданият атташеси, Миср маданият маркази директори профессор Холид Умар «Ушбу асар Миср маданияти ва санъати ер юзиде тарқалишини, шунингдек, ўзбек ва миср маданиятлари орасидаги уйғунлиқни кўрсатиб беради», дея таъкидлайди.

Кўшиқлар диски билан биргаликда тайёрланган мазкур қўлланма Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан мусика санъатига қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

Азизжон ЗОКИРОВ,
Консерватория катта ўқитувчиси



Дунё — кенг...

ОЙДАН ҚУВВАТ ОЛИБ...

Ой сатҳидати гелий-3 изотопи термондро синтези жараёнида ўзидан жуда катта энергия ажратади. Шу энергияни Ерда ташиб келтириш бўйича ақд бовар қилмас лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Академик Э.Галимовнинг гувоҳлик беришича, бундай лойиҳалар ҳақиқатдан ҳам асос-мангитда эга экан.

— Негаки, нефть ва газ яна 50-70 йилгагина етади, ҳолос, — дейди олим. — Албатта, қуёш батареялари ва шамол кучидан энергия ҳосил қилувчи қурилмалардан ҳам фойдаланаверилади. Бироқ улар ҳозирча йирик саноят корхоналари эҳтиёжини етарли даражада таъминлай олмайдди. Ураннынги парчаланишига асосланган атом энергетикасининг азалий камчилиги шундаки, у атом-муҳитини радиотив моддалар билан ифлослайди. Дейтерийдан фойдаланган ҳолда электр қуввати олиш учун бошқариладиган термондро синтезини қўллаш эса, бу жиҳатдан бир озгина яхши, ҳолос. Бироқ гелий-3 дан фойдаланиб термондро синтезини амалга ошириш ноёб хусусиятларга эга. Бунда атом-муҳити ифлосланмайди, радиацион хавф ҳам бўлмайди. Бироқ Ер сатҳида гелий-3 деярли йўқ. Ойда эса бор, бўлганда ҳам ниҳоятда кўп. У Ой тупроғининг юза қатламиде тўпаланган.

— Гелий-3 ни олиш учун Ойда изотоп чиқарадиган завод қуриш керакми?

— Нафақат завод қуриш, бутун бир тоғ-кон санъатини ташкил этиш зарур бўлади. Ана шунда худди қандай далада ишлагандек, машиналар Ой сатҳи тупроғининг юқори қатламини очиб, ундан гелий-3 ни ажратиб олади. Ақд бовар қилмайди-я?! Ҳа, биз бу тахити қилришга одатланмаганми. Бироқ аниқ ҳисоб-китоблар бор. Уларнинг кўрсатишича, агар ҳозир Ойда шундай инфраструктура йўлга қўйилганида борми, гелий-3 дан олинган энергиянинг эквиваленти нефтдан олинган энергияга қараганда анча арзонга тушган бўлади. Ойдан изотоп ташийдиган бир неча космик кема парвозини йўлга қўйишнинг ўзи бутун жаҳонни энергия билан таъминлаш учун қийф қилади.

Бунинг учун дастлабки 15 йилда жаҳондаги етакчи давлатлар томонидан маблағ ажратилиши лозим. Бу эса, йилга йўнал миллиард долларлар, демакдир. Сўнг бу ишга хусусий компанияларни ҳам жалб этиш мумкин. Келажақда бу соҳа уларга ҳам даромад келтиради. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, бу гоа муҳандислик ечимлари орқали тўла рўёбга чиқариш мумкин бўлган аниқ амалий вазифадир. Уни амалга оширишга эса буғунданқо қиришиб зарур. Ақд ҳолда яқин келажақда рўй бериши мумкин бўлган энергетик ва экологик бўҳрондан чиқиб кетишининг иложи бўлмайди.

УММОНЛАР НЕГА НОТИНЧ?

Уч-тўрт йил аввал Ерда келиб урилганининг 100 йиллиги қайд этилган Тунгус метеорити коннотдан хавф соаниши мумкин бўлган фалокатлар тимсолига айланиб қолди. Бироқ Ернинг ўзиде ҳам паанетар даражадаги катаклизмларни келтириб чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарлар етарли. РФА Геохимия ва аналитик кимё институти директори, академик Э.Галимовнинг айтишича, жаҳон уммонлари тағида газсимон гидратлар тарзда йилган метан газини шундай хавфлардан бири экан.

— Массаси бир неча граммлик унча катта бўлмаган жисмлар Ерда коинот қўридан ҳар кунни тушиб туради, — дейди у. — Масалан, 65 милли йил муқаддам Юкатан ярим оролига келиб урилган ва динозаврларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган йирик массали астероидларга сайбамиз йўнал миллион йиллар давомида бир марта дуч келиши мумкин. Тунгус метеорити катталигидаги осмон жисмлари эса минг йилда бир марта «таширф буюради». Муаммо шундаки, бундай «таширф»нинг қачон юз беришини ҳеч ким билмайди. Ҳозир коинотдан келиши мумкин бўлган бундай фалокатларни олдиндан айтиш ва хатарни даф этишга йўналтирилган тури лойиҳалар кўриб чиқилмоқда. Айни чоғда, айрим олимларда жаҳон океанлари туби ва ундаги сув остида газогидрат шаклида йилган метаниннинг чиқиб кетиши билан боғлиқ ҳолда рўй бериши мумкин бўлган планетар миқёсдаги фалокат ҳам ташвиш уйғотмоқда.

Ҳўш, бу нима дегани? Гап шундаки, босим ошиб кетганда таркибида метан бўлган сув қорға ўхшаб моддага айланади. Бу газсимон гидратлар ҳарорат ва босимнинг муайян нисбатларида барқарор, ҳолос. Ҳарорат ошиши билан қорсимон модда газга айланади. Ана шунда гигант ҳажмидаги метан океандан атмосферага чиқиб кетиши мумкин. Метан эса парник газларининг айнан ўзи. Оқибатда атмосферанинг глобал даражада исини кўчқисимон тола олади. Шу нарса эҳтимолдан холи эмаски, ўтмишда рўй берган климатинг ҳалокатли тарздаги ўзгаришлари айнан мана шу газсимон гидратларнинг отилиши билан боғлиқ бўлгандир. Олимлар шундай хавф-хатар мавжудлигини аниқлаб етганларига кўп вақт бўлгани йўқ.

Газсимон гидратлар бошқа тарзда намён бўлиши ҳам мумкин. Бермуд учбурчаги билан боғлиқ гапларни кўпчиликка аён. Маълум бўлишича, мазкур худудда газсимон гидратлар тўпланиши учун қулайроқ жойлар ҳам бор экан. Вақти-вақти билан метан ажралиб, сув юзасига чиқиб кетиши мумкин. Бунда одатдан ташқари ҳолат рўй беради. Биринчидан, сув пуфакланиб, кўпикланади. Уммон сатҳида сузиб бораётган кема пуфаклар устига келганда мувозанатини йўқотиб, чўкиб кетади. Иккинчидан, пуфакчалар инфратовуш частотасида зириллаб тебранади. Бу эса, маълумки, одам асабига таъсир этиб, уни саросимага солади. Бундай ҳолатда одам ўзини кема бортидан сувга отиши ҳеч гапмас. Балки бортида бирорта ҳам экипаж аъзоси бўлмаган сир-синоатли кемаларни шу жойда кўришганига доир ривоятларнинг асоси ҳам айни шу ҳолат билан боғлиқдир?! Ва, ниҳоят, океан тубидан юқорига отилаётган миллиардлаб пуфакчаларнинг бир-бирига ишқалиниши (жисмларнинг ишқалиниш назариясини эсланг) электрланмиш ҳодисасини пайдо қилади ва у Ернинг магнит майдонини қисман ўзгартириб буюради. Бундай шароитда самолётлар ўз йўналишини йўқотиб қўйиши тайин.

Интернет хабарларидан.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Ғофир СОЛИҲОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси театршунос олим, санъатшунослик фанлари номзооди, доцент Иноятгилла Пўлатова умр йўлдоши

ҲАЛИМА аянининг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЯ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Тасхиринишга келган қўғамлар таҳсил этилмайдди ва муаллифларга қайтарилмайдди. Муаллифлар фикри тахириниш нуктаи назаридан фикрланмиш мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасиди.
Босмахона манзили: Буюк Турон ефчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.48

ЖУМА КУНАЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТЎВДА НАРХИ ЭРКИН

ISSN 2161-614X

9 772161 614000

Гаваз Ҳазратов билан ахборот агентлигини 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатта олиниди. Адади — 4889 Буюртма Г — 744, Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5